

УДК: 61:159

ТИББИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Шаумаров Г.Б.
Profi university
(O'zbekiston Respublikasi)

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada tibbiy ta'lim sifatini oshirishda psixologiyaning o'rni tahlil qilinadi. Psixologiya talabalar va amaliyotchi shifokorlarning bilim, ko'nikma va ijtimoiy malakalarini rivojlantirishda muhim vosita sifatida ko'riladi. Shuningdek, maqolada motivatsiya, stressni boshqarish, kommunikatsiya ko'nikmalari va o'qitish metodologiyasini psixologik jihatdan optimallashtirish masalalari ko'rib chiqiladi. Psixologik yondashuvlar tibbiy ta'lim samaradorligini oshirishga yordam beradi.

ABSTRACT

This article analyzes the role of psychology in improving the quality of medical education. Psychology is considered an important tool for developing students' and practicing physicians' knowledge, skills, and social competencies. The article also examines issues such as motivation, stress management, communication skills, and optimization of teaching methodologies from a psychological perspective. Psychological approaches contribute to enhancing the effectiveness of medical education.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль психологии в повышении качества медицинского образования. Психология рассматривается как важный инструмент для развития знаний, навыков и социальных компетенций студентов и практикующих врачей. Также анализируются вопросы мотивации, управления стрессом, коммуникативных навыков и оптимизации методов обучения с психологической точки зрения. Психологические подходы способствуют повышению эффективности медицинского образования.

Умуман инсоният ва хусусан ҳар бир шахс учун ҳаётидаги энг катта қийматлилик – бу саломатлик эканлиги ҳар биримизга маълум ҳақиқатдир. Ушбу энг катта бойлигимизни доимий, қолаверса, абадий “соқчиси” – шифокордир.

Барчамизга маълум бўлган ушбу ҳақиқатни яхши билган ҳолда, ҳаётимизда, жамиятда иккисини (саломатлик ва шифокор) ҳам ўз вақтига қадрига етмаслигимиз, етарли асрамаслигимиз, муносиб равишда

рағбатлантирмаслигимиз ҳам бугунги кундаги долзарб реалликдир.

Ваҳоланки таълим олиш муддати жиҳатдан ҳам шифокорлик – энг кўп йилларни талаб қилади. Энг фидоий касб ҳам шифокорлик касбидир.

Дунёда ҳар бир касбни ўз ўрни, унга бўлган зарурияти мавжуд. Ўзга касбларни аҳамияти ва қийматлигини пасайтирмаган ҳолда тиббиёт ва психология фанларида таниқли бўлган олим В.М.Бехтеревни ёзиб

кетган фикрларини эслаб ўтиш ўринлидир. Унинг фикрича “Дунёда икки касбни танлашда адашмаслик керак. Бири шифокорлик касби, чунки унинг хатоси одамни ҳаётдан кўз юмишига олиб келса, педагог касбини нотўғри танлаш ўқувчини маънавий ўлдиради”.

Айрим касблар зарурий равишда шахсдан туғма лаёқатни (тасвирий санъат, расомлик, хонанда ва бошқалар) талаб қилади. Деярли барча касблар касб танлаётган ёшдан касбига мос бўладиган, касбида толиқмасдан “берилиб” ишлашга, касб-хунар фаолиятдан молиявий манфаатдан ташқари психологик стимул – рағбат олишга имкон берадиган, касб-хунаридан чарчамасликка ундайдиган индивидуал-психологик хусусиятлар бўлиши керак.

Шахсни ўз касбига меҳри бўлиши шарт. Ушбу касбсиз ўзини ўзга касбда тасаввур қила олмаслиги керак. Ўз касб фаолиятдан чарчамаслиги лозим. Бунинг учун, авваламбор, танлаётган касбга шахс ўзини индивидуал-психологик хусусиятлари билан мос бўлиши керак.

Ҳар бир касбни шахсга қўядиган умумий ва хусусий талаблари бор. Умумий талаблар: соҳага оид назарий билимлар, амалий тажриба, масъулият, ахлоқ-одоб, мулоқот маданияти, тегишли касбий малакалар бўлса, шифокор шахсига хос индивидуал-психологик хусусиятларга беморларга ёрдам беришга доимий тайёрлик ҳолати, беморни ҳолатини ўзидан ўтказиш, ўзи ҳам ичидан ҳис этиш, ҳамдардлик ҳолати, яхши ифодаланган эмпатия бўлиши лозим. Шифокор шахсида ўзгани дардига, унинг ҳолатига бефарқлик бўлиши мумкин эмас. Шифокорда фидойилик кескин ифодаланган бўлиши лозим. Шифокорда масъулият кучли ифодаланган бўлиши, “етти ўлчаб бир кесиш” тамойилига қўра иш қиладиган бўлиши лозим. Шу сабабли ҳам шифокор касалга ташҳис қўйишда иккиланса, “консилиум” ташкил қилади, ўзга ҳам-касблари билан бамаслаҳат иш кўради.

Чунки у қадимдан шифокорларни тамойили бўлган “Зиён келтирма! – Не навреди!” тамойили бўйича иш кўради.

“Қош қўяман деб, кўз чиқариш” дан беморни сақлайди. Булар шифокор шахси учун зарур бўлган индивидуал-психологик хусусиятлардир.

Юқорида қайд этилган ҳислатларнинг асоси аксарият ҳолда туғма бўлади. Бу ҳислатларсиз шахс ҳақиқий шифокор бўлиши қийин. Шу сабабли ҳам қадимда шифокорларни касбий “символи” - “рамзи” ёниб турган машъал (факел) бўлган ва тагида ёзув бўлган – **“Светядругим сгораю сам” – “Ўзгалар ҳаёт йўлини ёритиб, ўзим адо бўлишга тайёрман”**. Бу қадимдан тиббиётни символикаси бўлган. Менинг фикримча, тиббиётнинг қадимги “символика”си, рамзида бугунгига нисбатан анча катта ва чуқур фалсафий маъно, чақирик, мажбурият, қасамёд, психология ўз ифодасини топган.

Шифокорлик касби агар унга чуқур илмий, фан кўзи билан қараганда оммавий касб дейиш қийин. Сон жиҳатдан оммавий бўлган шифокор касби мазмун-моҳияти билан муқаддас касбдир. Ушбу касб эгаларида, авваламбор, қалб кўри, инсонга меҳр-муҳаббат, унинг дардига ҳамдардлик, катта масъулият ҳислатларини ифода этиши лозим. Юқоридаги ҳислатларни ифодалаш билан бирга ўз касбини устаси профессионал – чуқур билимга эга бўлиши ва битта-касалликни ўзи турли беморда турлича кечишини, турли асоратлар бўлиши мумкинлигини олдиндан қўра билиши ва уларни олдини олиш чораларини кўриши зарур.

Шифокор беморни ёш, жинс, анамнезида бошдан кечирган касалликлар, бугунги кундаги мавжуд ҳасталиклари, нимага аллергияси бор-йўқлиги, организмнинг психофизиологик ҳолати, оиладаги ва иш жойидаги ижтимоий психологик муҳит (эр-хотин, ота-она ва фарзандлар муносабатлари ва бошқа психотерапевтик ёки психоген ўчоқлар мавжудлиги кабиларни билиб олиб, уларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) касалликни эмас, касални – беморни комплекс даволаши лозим. Бемор шифокор суҳбатидан куч олиб, ўзини енгил, яхши ҳис этиши лозим. Ўзига ва тезда

шифо топишига ишонч ҳосил қилиши керак. Шифокор касалликни эмас, касал беморни шахс сифатида даволаши лозим. Унинг учун шифокор яхши психолог ҳам бўлиши зарур.

Юқорида қисман психологик тавсифномаси берилган шифокорларни қаердан оламиз ёки қандай шакллантирамиз? – деган савол табиий ҳолда юзага келади.

Яхши ошпазлар катта қозонда ош қиладиганлар масалликни ўзлари оладилар. Кадр тайёрлашда биринчи энг муҳим босқич шифокор касбига мос келадиган, бир умр инсон ҳаёти, саломатлиги учун беминнат фидойи хизмат қилишга мойил бўлган ҳамда шифокорлик фаолиятида камдан-кам хатога йўл қўядиган, билмаганларини тажрибали устозлари, ҳамкасбларидан сўраб оладиган, муомала маданияти етарли шаклланган, шифокорлик касбининг барча талабларига тўлиқ жавоб берадиган ёшларни танлаб олишимиз лозим.

Демак, шифокор тиббиёт илмини ўзлаштириши учун зарур бўлган фанлар бўйича билим савиясини аниқлашдан ташқари абитуриентларни тиббиёт касбига шахсий сифатлари жиҳатидан мослигини аниқлаш лозим. Шу кунга қадар абитуриентларни касбга мойиллигини ўрганиш ва уни етакчи меъзон сифатида қўллаш фақат спорт ва санъат соҳасидаги йўналишлардагина қўлланади. Бошқа барча йўналишлар тест синови билан чекланади. Натижада дефектология факультетига нутқида нуқсони (дефекти) бўлганлар, педагогик йўналишга кирганлар орасида болаларни кўрса, асаби бузилдиганлар, филология йўналишида кирганлар орасида ўз фикрини на оғзаки, на ёзма равишда яхши ифодалай олмайдиганлар, тиббиёт соҳасини танлаганлар сафида билими бўлса ҳам, шифокорлик касбига шахс сифатида мутлоқ нолойиқларни кўришимиз мумкин.

1. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маълум касб, йўналишларига билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Танлаган касби бўйича базавий бўлган фанлардан ташқари

талабаликка номзодларни танлаган касбига мойиллигини, мослигини аниқлаш лозим. Тест методидан ташқари бир қатор психологик методлардан фойдаланган ҳолда касбига тўғри келадиганларни саралаб олиш мақсадга мувофиқдир.

2. Олий таълим муассасаларига танлаб олинган талабаларга бемор психологияси ва мулоқот психологияси бўйича махсус курс ишлаб чиқиши ва уни талабалар яхши ўзлаштиришларини таъминлаш лозим. Беморга берилган дори билан шифокор мулоқотини, психологик таъсирини катта самара беришини илмий асосда бўлажак шифокорларга тушунтириш зарур.

3. Тиббий клиникаларда ишловчи клиник, тиббий психологларни қайта тайёрлов курсларини ташкил этиш ва беморлар билан ишловчи психологларни пухта тайёрлаш лозим.

Шифокорлик касбини жамиятда қийматлилигини оширишимиз олдимизда турган энг муҳм вазифалардан биридир. Бунга тиббий муолажаларни нархини ошириш йўли билан эмас, балки шифокорни жамиятдаги мавқеи, ҳурмати, обрўсини кўтариш, шифокорларга давлат томонидан берилиши мумкин бўлган тегишли имтиёзлар, диққат-эътиборлар орқали эришимиз лозим. Тиббиётни максимал тарзда бозор иқтисодига ўтказиш, халқимизни бугунги кундаги иқтисодий ҳолатини янада оғирлаштириши мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев олиб бораётган сиёсатни “Ватаним учун, Миллатим учун, Халқим учун” қақириқларини қўллаб-қувватлашимиз, уни кенг, чуқур ва мазмунан бой тарзда талқин этишимиз, илмий асос ҳамда самарали йўллари ишлаб чиқишимиз – Ўзбекистон зиёлилари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёга инсониятга Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Амир Темур, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Умар Хайём, Ҳаким Термизий, Муҳаммад Захириддин Бобур. Аҳмад Яссавий ва бошқа бир қатор алломаларни етиштирган

хамда тухфа қилган бугунги кунда му-
стақил Ўзбекистон аталмиш Ватанимиз,
халқимиз ҳаётида виждон жиғилдонга тобе
бўлмаслиги, сохтани табиийдан устун қўй-
маслик, қоғоздан ясалган “валюта” га ўз ор-
ганини ёки боласини сотмаслик, пул де-
ганда ўзини томдан ташламаслик, олиб бо-
раётган фаолиятимиз билан миллатимиз,
халқимиз ҳақида салбий тасаввур шакллан-
тирмаслик ҳар биримизни муқаддас бурчи-
миздир.

Таълим муассасалари қайси тури (мак-
табгача, бошланғич таълим, умумий ўрта
таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълим,
олий таълим, олий таълимдан кейинги
таълим), давлат, нодавлат, халқаро, ўзга
давлат олий таълим муассаса филиаллари
бўлишидан қатъий назар ҳар бири Ҳукумат
олдида кадрларни замон талаби дара-
жасида, халқаро стандартлар асосида тай-
ёрлашга мажбурдир. Шу билан бирга, но-
давлат олий таълим муассасалари давлат
олий таълим муассасаларига нисбатан ёш,
халқ учун янги бўлгани сабабли халқ омма-
сининг маълум қисмини онгида уларга нис-
батан нотўғри, чекланган, ишончсизлик
руҳидаги тасаввурлар мавжуд. Бундай та-
саввурларни пайдо бўлишига нодавлат
олий таълим муассасаларини фаолиятини
бошлаган биринчи, иккинчи йиллари тала-
баларни етарли синов имтиҳонлари
натижасига кўра олиш имконияти бўлма-
ганлиги сабабли юзага келган.

Сўнгги йиллар ва бугунги кунда барча
талабалар синов имтиҳонлари (тест синов
натижалари) га кўра қабул қилинади. Ик-
кинчидан, аҳолини таълим соҳасидаги ян-
гиликлардан беҳабар қолган ота-оналарга,
мактабни 8-11 синф ўқувчиларига, ўрта
махсус таълим муассасаси (техникум, ака-
демик лицей) ўқувчиларига Республика-
даги барча нодавлат олий таълим муассаса-
ларини ташкил этилганлиги асосида Прези-
дент Ш.М.Мирзиёевни сиёсати ва ушбу
сиёсат ёшлар ва халқ манфаатида олиб бо-
рилаётган, халқни келажигини ис-
тиқболли қилишга қаратилганлигини етқа-
зишимиз орқали омма онгида нодавлат

таълим муассасалари Янги Ўзбеки-
стонни барпо этишда кадр “рычаги” вази-
фасини бажариши ҳақида ҳаққоний, объек-
тив тасаввур шакллантиришимиз керак.
Нодавлат олий таълим муассасалари ҳақида
видеофильмлар тайёрлаш ва ундаги ёшлар
учун яратилган барча имкониятлар
мавжудлигини кўрсатиш лозим.

Кадр тайёрлашда шу кунга қадар талаба-
ликка танлов давлат ОТМ ва қолаверса, но-
давлат ОТМ ларида ҳам такомил талаб
бўлган, илмий жиҳатдан нотўғри бўлган
амалиётни қайта кўриб чиқиш ва зудлик
билан уларни тўғрилаш лозим. Жумладан
қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Кадр тайёрлаш талабалikka танловдан
бошланишини ҳисобга олиб, айрим мута-
хассисликларда (тиббиёт, педагогика, пси-
хология, филология, дефектология, ҳарбий
соҳа ва бошқалар) абитуриентлар орасидан
талабани танлаб олиш босқичида анъа-
навий тест методлари билан чекланмасдан
бўлажак мутахассислигидан келиб чиққан
ҳолда қўшимча синовлар қўллаш за-
рур. Масалан:

- тиббий йўналишда – психологик
тестлар;
- педагог касбига – психологик тестлар;
- филологга – иншо ва оғзаки синов;
- дефектологга – нутқи, товушлар талаф-
фузи;
- ҳарбий соҳага – психологик
тестлар қўлланиши зарур.

2. Олий таълимда талабаларни му-
стақил таълимга ажратилган соат ҳажмини,
одатда, қўлланиб келаётган соат ҳажмига
нисбатан кескин ошириш ва уни самарали
бўлишини таъминлаш.

3. Таълимда талабаларга му-
стақил фикр-
лаш ва фикрини қай даража танқидий бўл-
масин, эркин ва илмий асослаб ифодалашга
ўргатиш.

4. Кадр тайёрлашда амалиётга кўпроқ
соат ажратиш ва амалиёт орқали тегишли
малакаларни шакллантиришга эришиш.

5. Тиббиёт олий таълим муассасаларида
барча тиббиёт ходимлари учун (қайси
давлат, миллат, тилидан қатъий назар) уму-
мий медицина, қолаверса, илм-фан тили

ҳисобланган лотин тилини ҳамда одам та-
насидаги барча суяк, мускул, органларни

лотинча номланишини пухта ўзлаштирили-
шига эътиборни кучайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камбағалликдан фаровон-
лик сари” мавзусидаги III халқаро форумнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи.

<https://president.uz/uz/lists/view/8500>

2. Баротов Ш. Р. Проявление и развитие социального-психологических факторов компе-
тентности в деятельности медицинских работников. // Вестник интегративной психологии. –
Ярославль, 2022. №24. – С.327–329.

3. Баротов Ш. Р. Тиббиёт ходимлари коммуникатив ва интеллектуал компетентлиги ораси-
даги муносабатлар таҳлили. // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2022. №1/10 – Б. 155–157.

4. Шоумаров Ғ. Оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларнинг ечимлари. "Оила
институтининг ижтимоий-психологик муаммолари" мавзусидаги халқаро конференция мате-
риаллари тўплами. Тошкент, 2025. 4-9-бетлар, 630 бет.